O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO
VILOYATI ANGOR TUMANI
HOKIMINING
QARORI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ
РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
АНГОРСКОГО РАЙОНА

2020 y «28» апрель № 14-603 «___» _____ 20___ г

Туман маҳаллий бюджетидан маблағ билан таъминланадиган бюджет муассасаларининг жорий йил учун тасдиқланган харажатлар режасига ўзгартириш киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси "Бюджет кодекси"нинг 145-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдаги ЎРҚ-589-сон қонунининг 8 моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4555-сон қарорига асосан ҳамда туман ҳокимлиги молия бўлимининг 2020 йил 1-апрелдаги 202-02-01/146-сонли хатини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4555-сон қарорига асосан туман маҳаллий бюджетидан маблағ билан таъминланадиган бюджет муассасаларининг 2020 йил 1 февралдан бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳаки, пенсиялар, стипендиялар, нафақалар ҳамда кам таъминланган оилаларга бериладиган моддий ёрдам миқдори 1,07 баробарга оширилганлигини муносабати билан жорий йилнинг 1 апрелидан харажатлар режасига 1-иловага мувофиқ тегишли ўзгартиришлар киритишга рухсат этилсин.

2. Туман ҳокимлиги Молия бўлими (О.Мамаюсупов)га 2020 йил бюджет ижросини сифатли амалга ошириш ва кредиторлик қарздорликка йўл қўймаслик мақсадида туман маҳаллий бюджетидан маблағ олувчи бюджет муассасаларининг 2020 йил учун тасдиқланган харажатлар режасига тегишли ўзгартиришлар киритиш вазифаси юклатилсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман хокимининг ўринбосари С.Жумаев зиммасига юклатилсин.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SURXONDARYO VILOYATI ANGOR TUMANI HOKIMI DEVONXONA

ASLIGA TO'G'RI
ANGOR TUMANI HOKIMLIGI
UMUMIY BO'LIM MUDIRI

Туман хокими: У.Турапов